

# МАЪРИФАТ УҶОҒИ



10

Бундан саксон олти йил илгари 30 июнда Бухоро халқ республикаси маориф нозири Мусожон Саиджонов ташаббуси билан муъ-



жазгина кутубхона ташкил этилди. Дастлабки даврда унда 1187 нусха китоб ва 350 нафар китоблар бор эди. 1938 йилда кутубхонага Абу Али ибн Сино номи берилди. 1991 йилда Оилавий ўқув зали ишга тушган. Ушбу сектор 6782 нусха китоб фонди ва 1500 китобхонлар сонидан иборат бўлган.

1970 йилда кутубхонанинг янги, уч қаватли 500 минг томга мўлжалланган биноси, 2001 йилда эса ҳуқуқий ахборот маркази очилди.

2006 йилда кутубхона 85 йиллик юбилейини нишонлади. Шу йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 381-сонли "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси негизда вилоят ахборот кутубхона маркази ташкил қилинди.

Кейинги истиқлол даврига келиб, китоб сақлаш бўлими захираси ҳам ҳам анча бойиди. Унда 139.838 нусха китоб ва 1921 йилдан бошлаб нашр этилган газета ва журналлар сақланади.

Илмий-ўқув зали жами 150 кишига мўл-

жалланган бўлиб, йиллик китобхонлар сони 4000 кишидан, ёрдамчи фонд 10.000 нусхага яқин адабиётлардан иборат. Абонемент ва ёшлар ўқув бўлимида 40.000 нусхага яқин китоб фондидан 5000 тагача китобхон фойдаланади.

Айни вақтда электрон ўқув зали, ахборот технологиялари бўлими фаолият курсатаётир. Тажрибали, малакали ходимлардан Х. Алоева, Л. Ветчинкина, И. Саидова, С. Адизова, М. Шукурова, Л. Саъдуллаева, Е. Иванова, А. Маилова, С. Муродов, Д. Пачкина, М. Назарова, М. Абдурахмонова, Х. Аҳмедова, М. Ҳасанова, М. Икромова, Ш. Муминова

сингарилар директор М. Самадова бошчилигида китобхонларга беминнат хизмат кўрсатаётирлар.

Инсоният-ни жаҳолатдан қутқарувчи ягона куч маърифатдир. Кутубхоналар, шубҳасизки, маънавият ўчоғи саналади. Уларга эътибор—маданиятга эътибор ҳисобланади.

**СУРАТДА:** Электрон ўқув зали фойдаланувчилари: М. Шамсиддинова, М. Фатуллаева, Ш. Мўминова, Ф. Жемилова,

Кутубхона абонемент бўлими ходимлари: Д. Мажидова, У. Саидова, И. Саидова, Г. Исомова.

**Зевар САЛИМОВА,**  
кутубхона ишлари буйича директор ўринбосари.

